

24-мактаб

Опен бюджет

Лойиха смета ишларини бажариш юзасидан

№ 1 - сонли ШАРТНОМА

Мархамат туман

«19» май 2022 йил

«NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ хужжатда бундан буён “Лойиха смета ишларини бажарувчи” деб юритилади, Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Қ.Шаропов бир томондан, иккинчи томондан Мархамат тумани ХТБ (24-мактаб опен бюджет) хужжатда бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади ХТБ мудир Э.Қорабоев қуйидаги лойиха смета ишларини бажариш юзасидан шартнома туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. “Лойиха ишларини бажарувчи” “Буюртмачи” га Мархамат туманидаги 24 –мактабни жорий таъмирлаш учун лойиха сметасини 15 календар иш кунида тайёрлаб беради ва смета хужжатига экспертиза хулосасини олиб беради.

№	Жабханинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Жами суммаси
	Андижон вилояти Мархамат туманидаги 24-мактабни жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха сметасини тайёрлаш ва экспертиза хулосасини олиш	1	12000000	12000000
	<b>Жами:</b>			<b>12000000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: 12000000 (Ўн икки миллион) сўмни ташкил этади.

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Шартнома қиймати келишилган нархда бўлиб, шартноманинг ажралмас қисми бўлган келишилган нарх Баёнотида асосан белгиланади.

2.2. “Буюртмачи” кўрсатилган Лойиха ишлари шартнома умумий суммасининг 30% миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Қолган 70% миқдоридаги маблағни ишлар сифатли бажарилгандан сўнг далолатномага асосан тўлаб беради.

3. Мулкый жавобгарлик.

3.1. Лойиха ишларни ўз вақтида тайёрлаб бермаганлиги учун “Лойиха ишларини барарувчи” “Буюртмачи” га ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун ишчи лойихани тайёрлаб бермаган хизмати суммасининг 0.4 % миқдоридан пеня тўлайди. Пеня суммаси шартнома умумий суммасини 50% дан ортмаслиги керак. Лойиха ишларига 90 кун мобайнида ҳақ тўлайди.

3.2. “Буюртмачи” “Лойиха смета ишларини бажарувчи” га смета ишчи лойихаси учун ўз вақтида тўланмай кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.4% устама ҳақи тўлайди. Лекин устама суммаси шартнома умумий суммасининг 50% дан ортиб кетмаслиги керак.

3.3. “Лойиха ишларини бажарувчи” ишчи лойихасини тўлиқ бажармаганлик ёки лойиха тайёрлаб бериш муддатларини кечиктириб юборганлиги учун қонунда ёки шартномада белгиланган ишчи лойихани “Лойиха смета ишларини бажарувчи” дан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

4. Шартнома муддати ва ишларни топшириш.

4.1. Шартномага имзо қўйилгач, “Буюртмачи” 30% маблағни тўлаган кундан бошлаб кучга киради ва ушбу шартномадаги ишлар 10 календар иш куни давомида бажариб берилади.

4.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилиб, ҳар икки тараф томонидан имзолагандан ва Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

5. Томонларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари.

5.1. Бажариб берилган иш сифати “Бажарувчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундириш холлари аниқланганда “Лойиха смета ишларини бажарувчи” ва “Буюртмачи” ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг лойиха ишларини бажарадиган жорий таъмирлаш ишчи лойихасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. “Лойиха смета ишларини бажарувчи” мазкур шартномадаги барча ишларни ўз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектларни ишчи лойихасини фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ жавобгар: “Лойиха смета ишларини бажарувчи” мазкур шартномадаги маблағни 30% тўлагандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. “Лойиха смета ишларини бажарувчи” ишчи лойихаларни фойдаланишга топширгунга қадар мазкур шартнома бўйича лойиха хужжатларида кўрсатилган



спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофиқ бўлиши ҳамда техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди. Агар “Лойиха смета ишларини бажарувчи” келишилган лойиха қидирув ишчи лойиха ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз ҳолда бўлган деб топилса “Лойиха смета ишларини бажарувчи” бу шартномада кўрсатилган ишчи лойихаси ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиха ҳужжатлари асосида ишини сифатли бажарган ҳолда топширади.

5.2. Лойиха ишларини бажарилиши устидан “Буюртмачи” вакиллари назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган. “Лойиха смета ишларини бажарувчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. “Лойиха ишларини бажарувчи” дан тугалланган ишчи лойиха ишларини қабул қилиб олишни таъминлайди.

## 6. Форс-мажор ҳолати.

6.1. Агар томонлар мажбуриятларини қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият шунингдек шу вазиятни келтириб чиқарган оқибат давом этган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этилиб бўлмайдиган куч вазияти ёки оқибатлари уч ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, «Лойиха смета ишларини бажарувчи» ва «Буюртмачи» ишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 7. Кўшимча шартлар:


7.1. «Буюртмачи» 1.1-бандда кўрсатилагн мақсадга мувофиқ, «Лойиха смета ишларини бажарувчи» томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, «Лойиха смета ишларини бажарувчи» эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

## 8. Низоларни ҳал этиш тартиби:

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан ҳал этилади.

## 10. Томонларнинг реқвизитлари:

«Лойиха смета ишларини бажарувчи»	«БУЮРТМАЧИ»
«NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ	Андижон вилояти Мархамат туман ХТБ
Манзили: Асака т. Сохил бўйи 8А-уй	Манзили: Мархамат т Мустақиллик кўча
Х/р: 2020 8000 0008 9859 6001	Шхр: 401722860032277092100075007 ИНН: 200286343, ИФУТ: 92400 Молия вазирлиги Ғазначилиги
Банк номи: Миллийбанк Асака филиали МФО: 00893 ИНН: 305637531	Х/Р: 23402000300100001010 ИНН: 201122919 МФО: 00014
Рахбар:  Қ. Шаропов	Марказий банк ББ ХЖКМ Рахбар:  Э.Қорабоев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ HJ37757345**

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

«NORMA QURILISH KONSALTING» mas'uliyati cheklangan jamiyati tomonidan Marhamat tumani xalq ta'limi bo'limiga ja'mi 12 000 000 so'mlik xizmatlar ku'rsatish haqida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Tuman xalq ta'limi bo'limi 20.05.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun talablariga muvofiq ravishda ishlab chiqilgan, imzolash maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**K.Abdusalomov**  
**20.05.2022 yil**